

# Q'ZBEKISTON ZAMINI



ISSN: 2181-9955

Ilmiy-amaliy va innovatsion jurnal



1/2019

**O'ZBEKISTON  
ZAMINI**

**(«Земля Узбекистана»)  
Илмий – амалий ва  
инновацион журнал**

**2019 йил  
1 - сон**

**МУАССИС:**

**“Ўздаверлойиҳа” давлат  
илмий лойиҳалар  
институтини**

**Бош муҳаррир:  
Эркин  
Менгликулов**

**Тахрир хайъати:**

**А.Х.Абдуллаев  
(хайъат раиси)  
Т.М.Абдуллаев  
М.И.Рўзметов  
Н.Ж.Бакиров  
Ш.Ж.Тешаев  
Р.А.Тўраев  
Р.Қ.Қўзиев  
Ғ.Т.Паринев  
С.Авезбаев  
Қ.Рахмонов  
Ж.Сатторов  
Л.А.Ғафурова  
С.Абдуллаев  
Ш.Б.Аманов  
Н.С.Хушматов  
А.Р.Сидиқов  
Б.С.Камилов  
У.Норқулов  
Х.Намозов  
М.М.Бозоров  
С.А.Ташпўлатов  
Ш.Қ.Авчиёв**

**Журнал 2019 йил апрел  
ойидан чиқа боилади.**

**МУНДАРИЖА**

Назаров Р., Болтаев С. Ушудор тупроқ сув сарфини тежайди.....	2
Қўзиев Р.Қ., Исмонов А.Ж., Қаландаров Н.Н., Халилова Н.Ж. Тошкент ваҳаси сугориладиган тупроқларнинг таъсири.....	3
Юлдашев Ғ., Исгалиев М.Т., Азимов З.М. Пустынно-песчаные почвы Центральной Ферганы.....	5
Jabbarov Z.A., Wilkomirski V.A., Abdrakhmanov T., Peter Kováčik, Okolelova A.A., Suleymanov R.R. Changes in the properties of degraded soils.....	8
Абдуллаев С.А., Корахонов А.Х. Характеристика почвенного покрова Замин-Хавастского конус выноса и их основные свойства.....	12
Жаббаров З.А., Абдрахманов Т., Жобборов Б.Т. Техноген бузилган тупроқлар рекультивацияси учун фиторемедиация хусусияти ўсимликлар танлави.....	15
Самлова М.Э., Гафурова Л.А., Давидилова Г.Т., Даулетмуратов М.М. Исследование агрохимических свойства почв для разработки и установления очередности проведения почвозащитных мероприятий (на примере почв Республики Каракалпакстан).....	17
Тошқўзиев М.М., Шадиева Н.И., Бердиев Т.Т., Очлов С.Қ. Алудорё қўйи оқими тупроқларининг агрохимийвий ҳолати, уларни сугурма деҳқончиликда ўзгартиши.....	19
Бабажанов А.Р. Чекланган сув тақсимоти шароитида фермер хўжалиқлари ерларини баҳолаши.....	22
Решов Н.Б. Қорақалпоғистонда ерларни лазерли текислашнинг аҳамияти.....	25
Решов Н.Б., Адлашов Ж.Т. Приаралье – зона испытаниев инновациеи и технологиий при экологических ситуациях.....	27
Каримов Э.Қ., Жураев Қ.Х. Бухоро ваҳаси Олом тумани ибргланган тупроқлари ва уларнинг ҳолатини яхшилаши.....	29
Романюк Ю.А. Применение беспилотных летательных аппаратов для ведения земельного кадастра.....	30
Ахмедов А.У., Турдыев Ж.М., Мырзямбетов А.Б. Сугориладиган тилик бўз тупроқларининг асосий хоссалари ва мелiorатив ҳолати (Тошкент вилояти мисолида).....	32
Ражабов Т.Я., Камилев Б.С. Қашқадарё вилоятида янги бўз навларини парвартилаши.....	34
Шарипов С.Р. Ер – чекланган ресурс, у муҳофизага муҳтож.....	36
Эшиқзаров Д.Б., Абдуллаева М.Т. Геодезик асбоблар таҳлили ва уларнинг афзаллиқлари.....	38
Abduzaimov A. Influence of nitrogen fertilizer introduction by different methods on growth and development of spring wheat.....	40
Ембергенов Н.Ж., Султанова О.Г. Қўзатув ва прогноз қилиши карталари аҳамияти.....	42
Каримов Э.Қ., Худойбердиев Ф.Ш. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишида табиий тилон ўсимликлари ҳосилдорлигини ошириши бўйича чора-тадбирлар.....	43
Хошимов И.Н., Жўраев А.Н., Эргашев А.Ж., Давранов А. Ирригация эрозиясига учраган ерларда қўзғи бугдойдан юқори дон ҳосили етиштириши амиллари.....	44
Жўраева Х.Д., Камалова Д.М. Гидротехник инновациялар деформацияси ва чўқий сабаблари.....	47
Бобобеков И.Н. Техноген хавфи юқори бўлган сугориладиган ерларда ўтказилган экологик мониторинг ишлари таҳлили.....	48
Ж.А.Қубаев, А.Нусратов. Ўзбекистонда янги давлат ер сийсатини юритишида ер аҳборот тизимининг аҳамияти.....	50
Панжиев У.Р., Алисулов Ғ.Н., Ниқон Ш. Рақобатбардоби кадрлар тайёрлаши-ниг муҳим вазифа.....	51
Товбоев Б.Х., Уришбоев Э.Э. Асфальтбетон қонламали йўлларнинг мустаҳкамчилигини ошириши бўйича тактир қилинётган усуллар ва таъсирлар.....	53
Isayev S.H., Qodirov Z.Z., Jurayev K.H., Ismatov T.A. Sug'orma dehqonchilikda sug'orishda ishlatiladigan suvni iqtisod qilishda innovatsion yondashuv.....	55
Махсудов Б.Ю. Ер тузлини соҳасида халқаро меморандум имзоланди.....	56




Рисунок - 1. Запас гумуса и питательных элементов в 0-50 см орошаемых лугово-аллювиальных почв исследуемой территории.

Неблагоприятные почвенно-климатические условия Приаралья, особенно наблюдающиеся за последние годы, способствуют быстрому накоплению солевых запасов в почвенной. Засоление оказывает отрицательное влияние на основные свойства исследуемых почв и приводит к снижению их плодородия, при этом особенно ухудшаются агрохимические свойства и питательный режим почв.




Рисунок - 2. Запас гумуса и питательных элементов в 0-100 см орошаемых лугово-аллювиальных почв исследуемой территории.

Сандова М.Э.  
к.б.н. ТашГУ  
Гафурова Л.А.  
д.б.н., профессор НУУз  
Джалилова Г.Т.  
д.б.н, доцент, НУУз  
Даулетмуратов М.М.  
докторант (PhD) 2-курса ТашГУ

УЎТ: 631.41

## АМУДАРЁ ҚУЙИ ОҚИМИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ҲОЛАТИ, УЛАРНИ СУГУРМА ДЕХҚОНЧИЛИКДА ЎЗГАРИШИ

### Аннотация

В данной статье научно-исследовательским институтом почвоведения и агрохимии на основе исследований, проведенных на различных гидроморфных почвах, распространенных на правом берегу нижнего течения Амударьи, описаны изменения агрохимического состояния этих почв под воздействием орошаемого земледелия.

### Abstract

In this article, the research Institute of soil science and Agrochemistry on the basis of studies conducted on various hydromorphic soils distributed on the right Bank of the lower reaches of the Amu Darya, describes the changes in the agrochemical state of these soils under the influence of irrigated agriculture.

**Кирини.** Бугунги кунда Оролбўйи худуди тупроқ қопламиди кузатилаётган ўзгаришларни илмий ва амалий асосда кузатиб боришни тақозо этади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Оролбўйи худуди тупроқ қопламиди саҳролаиш жараёни республиканинг ўрта ва жанубий қисми суғориладиган тупроқларига нисбатан кучлироқ кетишини ҳисобга олингани ҳолда олиб борилаётган тадқиқот ишларимизда ушбу регион тупроқлари ҳолатини, уларда кечаётган салбий жараёнлар – дегрaдация, дегумификация, озика моддалари камайиши, иносламчи шўрланиш ва бошқаларни алоҳида ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Ушбу регионда аявалги олиб борилган тадқиқот ишлари ва сўнгги йиллардаги изланишлар натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирда тупроқ қопламиди шўрланишни кучайиши, гумус ва озика моддаларининг камайиши, шўртобланиш жараёнлари ортиб бориши кузатишмоқда. Худди шундай ҳолат тупроқ гумусини гидроморф режимда бўлганида 2-3% дан, ҳозирда гидроморф ва дастлабки гидроморф шаронгта бўлган тупроқлар саҳролаиш таъсирида улардан суғориладиган деҳқончиликда ногўри фойдаланиш натижасида гумус

миқдори 1 фонтга тушган ва ундан ҳам камайиши содир бўлмоқда. Булар эса, тупроқларнинг асосий хосса-хусусиятларини ёмонлаштиришига, натижада унумдорлигини пасайишига олиб келади [1, 2].

Бундай салбий ҳолатни олдини олиш учун Орол денгизига яқин бўлган худуд суғориладиган ва суғорилмайдиган тупроқ қопламини алоҳида комплекс ўрганишни, кургоқланиш жараёнини ушбу тупроқларга таъсирини таҳлил қилишни тақозо этади.

**Тадқиқот объекти ва услублари.** Амударё қуйи қисми, унинг ўнг қирғоғида жойлашган Тахтақўпир, Чимбой туманларида калит майдони этиб “Маржонқўл”, “Бўзатов” ва “Қамишарик” массивлари танлаб олинди. Ушбу массивлар тупроқларини камраб оладиган тупроқ кесмалари жойлаштирилиб, генетик горизонтлари бўйича кимёвий, физик-кимёвий таҳлиллар учун намуналар олинди.

Тадқиқотларни бажаришда генетик-географик, профил-геокимёвий, стационар-дала ва кимёвий-аналитик услублардан фойдаланилди. Тупроқни умумий кимёвий, физик-кимёвий таҳлиллари умумий қабул

қилинган услублар бўйича Е.В.Аришушкина ҳамда ЎзПИТИ қўлланмалари асосида бажарилди [3, 4].

**Тадқиқот натижалари.** Олинган натижаларга кўра, ўрганилган Тахтакўпир тумани “Маржонқўл” массивининг эскидан сугориладиган ўртача маданийлашган ўтлоқи аллювиал тупроқлар (10-кесма) нинг юқори ҳайдалма қатламларида гумус миқдори 0,8507%, ҳайдов ости қатламида 0,5883% атрофида бўлиб, гумус таснифига кўра кам (0,5-1,0%) кўрсаткичга тўғри келади. Қуйи қатламларида, то дастлабки биринчи метри ва она жинсигача гумус миқдори сезиларли камайган ва 0,4377-0,3068% оралиғида бўлиб, гумус кўрсаткичи бўйича жуда кам ҳисобланади. Гумусни миқдори текширилган тупроқларни она жинсида яна ҳам камайган ва 0,2580%

бўлиб, белги характери кўрсаткичига кўра жуда кам (<0,5 %) ҳисобланади [5].

Янгидан сугориладиган кам маданийлашган ўтлоқи аллювиал тупроқлар (14-кесма)нинг юқори ҳайдалма қатламларида гумус миқдори 0,5542-0,8017% атрофида, ҳайдов ости қатламида 0,4241-0,6820% атрофида бўлиб, гумус таснифига кўра кам (0,5-1,0%) кўрсаткичга тўғри келади. Қуйи қатламларида, то дастлабки биринчи метри ва она жинсигача гумус миқдори сезиларли камайган ва 0,3699-0,3131% оралиғида бўлиб, гумус кўрсаткичи бўйича жуда кам ҳисобланади. Гумусни миқдори текширилган тупроқларни она жинсида яна ҳам камайган ва 0,2361-0,3196% оралиғида бўлиб, белги характери кўрсаткичига кўра жуда кам (<0,5%) ҳисобланади (Жадвал). Қўриқ ўтлоқи аллювиал тупроқлар (12-кес-

**Жадвал. Қуйи Амударёнинг ўнг қирғоғи асосий тупроқларининг кимёвий хоссалари**

Кесма рақами ва тупроқ номи	Қатлам чуқурлиги, см	Умумий %				Харакатчан мг/кг			
		гумус	N	P	K	N-NH <sub>4</sub>	N-NO <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
<b>Тахтакўпир тумани “Маржонқўл” массиви</b>									
P-10. Эскидан сугориладиган ўрта маданийлашган ўтлоқи аллювиал тупроқ	0-30	0,8507	0,043	0,18	1,100	1,94	1,54	9	217
	30-41	0,5883	0,036	0,16	0,904	1,60	0,70	8	229
	41-83	0,4377	0,016	0,14	0,783	1,46	0,70	3	102
	83-103	0,3068	0,012	0,08	0,722	1,94	1,54	4	169
	103-160	0,2580	0,009	0,06	0,662	1,94	1,96	6	120
P-12. Қўриқ ўтлоқи тупроқ	0-10	1,3783	0,046	0,13	0,843	5,82	2,52	5	217
	10-23	1,0327	0,032	0,11	0,783	5,82	3,22	7	177
	23-56	0,6065	0,026	0,08	0,722	5,82	3,64	4	217
	56-88	0,2380	0,018	0,06	0,662	5,82	1,96	5	177
	88-140	0,2859	0,015	0,06	0,562	5,82	1,96	5	120
P-14. Янгидан сугориладиган кам маданийлашган ўтлоқи аллювиал тупроқ	0-27	0,5542	0,036	0,14	0,904	7,76	2,52	9	177
	27-42	0,4241	0,029	0,12	0,843	5,82	1,96	9	177
	42-75	0,3699	0,015	0,08	0,722	5,82	2,52	5	169
	75-128	0,2361	0,015	0,07	0,562	5,82	3,64	5	169
<b>Чимбой тумани “Бўлатов” массиви</b>									
P-51. Янгидан сугориладиган ўрта маданийлашган тақирсимон-ўтлоқи тупроқ	0-29	1,3840	0,076	0,23	0,988	3,49	20,72	15	532
	29-52	0,6666	0,049	0,17	0,834	1,16	12,18	14	277
	52-83	0,5289	0,034	0,10	0,883	1,55	3,64	6	102
	83-122	0,3874	0,012	0,06	0,602	6,79	2,80	5	64
	122-154	0,2365	0,011	0,06	0,427	3,88	1,96	4	53
P-61. Янгидан сугориладиган кам маданийлашган тақирсимон Сугориладиган ўтлоқи тупроқ	0-24	0,7435	0,075	0,23	0,988	2,91	2,52	7	80
	24-39	0,6555	0,036	0,17	0,883	21,34	3,22	7	102
	39-70	0,5724	0,026	0,09	0,803	14,55	2,52	6	64
	70-96	0,3434	0,014	0,07	0,693	10,67	2,52	4	80
	96-135	0,2083	0,011	0,08	0,602	1,55	1,96	3	64
<b>Чимбой тумани “Қамшарик” массиви</b>									
P-6. Янгидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқ	0-23	0,917	0,091	0,20	1,044	40,25	17,50	32	183
	23-45	0,734	0,045	0,15	0,843	34,43	3,64	27	141
	45-69	0,557	0,030	0,14	0,772	36,37	1,12	18	80
	69-95	0,374	0,015	0,12	0,602	30,55	2,80	14	80
	95-147	0,153	0,018	0,10	0,481	26,67	1,96	7	80
P-7. Янгидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқ	0-29	1,379	0,091	0,26	1,156	37,83	9,80	17	177
	29-57	1,131	0,079	0,17	1,047	21,82	2,52	15	164
	57-71	0,819	0,045	0,15	0,843	16,97	2,80	12	141
	71-103	0,557	0,030	0,14	0,772	26,67	2,80	7	141
	103-153	0,308	0,027	0,17	0,602	20,37	2,52	4	141
P-8. Қўриқ, ўтлоқи аллювиал тупроқ	0-5	1,058	0,094	0,12	1,156	16,97	14,98	5	202
	5-17	0,971	0,053	0,11	1,044	22,79	9,80	7	177
	17-50	0,592	0,035	0,08	0,843	19,4	4,90	4	141
	50-100	0,274	0,020	0,07	0,602	19,4	3,22	4	154

ма)нинг юқори ҳайдалма қатламларида гумус миқдори 1,3783% атрофида, ҳайдов ости қатламида 1,0327% атрофида бўлиб, гумус таснифига кўра ўртача (1,0-1,5%) кўрсаткичга тўғри келади. Қуйи қатламларида, то дастлабки биринчи метри ва она жинсигача гумус миқдори сезиларли камайган ва 0,6065-0,2365% оралиғида бўлиб, гумус кўрсаткичи бўйича кам ҳисобланади.

Чимбой тумани “Бўзатов” массивининг янгидан сугориладиган ўртача маданийлашган тақриси мон ўтлоқи тупроқлари (51-61 кесмалар) нинг юқори ҳайдалма қатламларида гумус миқдори 1,3840-0,7435%, ҳайдов ости қатламида 0,6666-0,6555% атрофида бўлиб, гумус таснифига кўра ўртача (1,0-1,5%) ва кам (0,5-1,0%) кўрсаткичга тўғри келади. Қуйи қатламларида, то дастлабки биринчи метри ва она жинсигача гумус миқдори сезиларли камайган ва 0,5724-0,3434% оралиғида бўлиб, гумус кўрсаткичи бўйича жуда кам ҳисобланади. Гумусни миқдори текширилган тупроқларни она жинсида яна ҳам камайган ва 0,2365-0,2083% оралиғида бўлиб, белги характери кўрсаткичига кўра жуда кам (<0,5%) ҳисобланади.

Чимбой туманининг “Қамишарик” массивидан танлаб олинган янгидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари (6-7-8 кесмалар)нинг юқори ҳайдалма қатламларида гумус миқдори 1,3790-0,9170%, ҳайдов ости қатламида 1,1310-0,7340% атрофида бўлиб, гумус таснифига кўра ўртача (1,0-1,5%) ва кам кўрсаткичга тўғри келади. Қуйи қатламларида 0,5920-0,1530% оралиғида бўлиб, белги характери кўрсаткичига кўра кам ва жуда кам ҳисобланади.

Ўрганилган тупроқларда азот миқдори гумусга мос ҳолда қатламлар бўйича тақсимланган. Унинг энг кўп миқдори ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларида бўлиб, барча тупроқларда мос ҳолда 0,036-0,094% ва 0,032-0,079% ни ташкил этади. Бу кўрсаткичларга кўра, тупроқларни юқори қатламлари гумуси таркибида азот нисбатан кам миқдордадир. Тупроқларнинг ўрта қисми ва она жинсида азот миқдори кескин камайган ва 0,009-0,043% ни ташкил қилади ва кам миқдорда ҳисобланади.

Авалги йиллардаги тадқиқотларда туманда тарқалган асосий сугориладиган тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида азот миқдори мос ҳолда 0,042-0,097% ва 0,021-0,078% ни ташкил этган. Остки қатламларида яна ҳам камайиб, 0,011-0,053% бўлган. Шу даврда ҳам ўрганилган тупроқларнинг гумуси таркибида азот кам бўлган.

Ўрганилган тупроқларидаги азот миқдори ва унинг тупроқларнинг генетик горизонтлар бўйича кўрсаткичлари бундан 23-25 йил аввал олиб борилган тадқиқотлардан олинган миқдоридан фарқланмайди, деярли бир хил бўлгани аниқланди ва уни кам эканлиги намойиш бўлди. Шу сабабли, ўрганилган ҳудуд тупроқларида азот элементини ўсимликлар томонидан ўзлаштириши ва олиб чиқиб кетишини тўлдириш учун тупроқни органик моддага бойитиш чора-тадбирларини кўриш, оралик экинлардан дукаклар (мош, нўхат, соя ва бошқ.) ҳамда оралик экинларни сидерация учун экишга доир технологияларни қўллаш муҳим ҳисобланади. Бундай тадбирларни амалга оширилганда тупроқларда кўпроқ органик модда тўпланиши ва унинг таркиби янги углерод ва азот элементлари бойишга эришилади [6].

Тарқалган асосий тупроқларда умумий фосфор миқдори юқори эмас. Фосфор elementi бар-

ча тупроқларда уларнинг ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларида мос ҳолда 0,13-0,26% ва 0,11-0,17% ни ва тупроқ қатламларининг ўрта қисмида 0,08-0,15% ни ташкил этади.

Тупроқларнинг она жинсида ушбу элемент кескин камайган яъни 0,06-0,14% миқдордадир. Ўрганилган тупроқларда умумий калий миқдори юқори эмас. Уларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида мос равишда калий миқдори 0,843-1,156% ва 0,783-1,047% ни ташкил этади. Тупроқларнинг ўрта қисми ва она жинсида мос равишда 0,722-0,883 ва 0,427-0,662% ни ташкил этади. Олинган маълумотлар асосида айтиш мумкинки, ушбу массив тупроқлари ҳам ялпи калий элементига бой эмас. Шунинг учун бу тупроқларга етарли миқдорда калийли ўғитлар қўлланилиши, шунингдек регионда мавжуд бўлган таркибида калий elementi бор агрорудалардан фойдаланиш талаб этилади [7].

Олинган маълумотларга кўра, барча ўрганилган тупроқларнинг генетик қатламларида нитрат азоти миқдори баҳорда жуда озлигини – 1,1-18 мг/кг, аммиакли азот миқдори билан бирга минерал азоти бўйича 12-23 мг/кг бўлиб, паст ва етарли эмас таъминланганлигини кўрсатади. Ҳаракатчан фосфор миқдори тупроқларнинг ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларида мос равишда 5-32 мг/кг ва 4-27 мг/кг атрофида бўлиб, таъминланганлик даражасига кўра паст (0-15) ва етарли эмас (16-30) кўрсаткичларга тўғри келади.

Алмашинувчи калий миқдори Тахтакўпир туманининг “Маржонқўл” массивидан олинган тупроқларнинг юқори қатламларида 177-227 мг/кг бўлиб, етарли эмас (101-200) ва ўртача (201-300) даражада таъминланган ҳисобланади. Қуйи қатламларида эса 102-169 мг/кг бўлиб, етарли эмас даражада таъминланганлигини кўришимиз мумкин.

Чимбой туманининг “Бўзатов” ва “Қамишарик” массивларидан олинган тупроқларнинг юқори қатламларида алмашинувчи калий 80 мг/кг (паст) дан 532 мг/кг (юқори) гача оралиқда тебранди. Ҳайдов остки қатламларда етарли эмас (101-200) ва ўртача (201-300) даражада таъминланган ҳисобланади. Қуйи қатламларида эса 53-177 мг/кг бўлиб, паст ва етарли эмас даражада таъминланганлигини кўришимиз мумкин.

**Хулоса ва тавсиялар.** Ўрганилган тупроқларда ўсимликлар учун зарур бўлган ҳаракатчан азот ва фосфор элементлари миқдори етарли эмас эканлиги аниқланди. Алмашинувчи калий elementi Тахтакўпир туманининг “Маржонқўл” массиви тупроқларида асосан паст ва етарли эмас, Чимбой туманининг “Бўзатов” ва “Қамишарик” массивидаги тупроқларда юқори ва ўртача таъминланган гуруҳга мансуб. Ушбу тадқиқ этилган тупроқларда етиштирилаётган экин турларини ҳисобга олингани ҳолда тавсиялар асосида ўғитларни қўллаш тупроқлар унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини оширишга замин яратади.

**Тошқўзиев М.М.**

*б.ф.д., профессор.*

**Шадиева Н.Н.,**

*б.ф.д., катта илмий ходим*

**Бердиев Т.Т.**

*б.ф.ф.д. (PhD), кичик илмий ходим*

**Очилов С.Қ.**

*кичик илмий ходим*

*ТАИТИ*

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Таиқулиев М.М., Шарафутдинова Н.Р. Гумусное состояние почвы Приаралья в условиях опустынивания // Информационный бюллетень №522. - Ташкент: АН РУз., 1993. - С. 13.
2. "Почвы Каракалпакстана". Книги 1,3,5. - Ташкент: ИПА, 1996.
3. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почвы. - М.: МГУ, 1970. - 487 с.
4. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах // Союз НИИХ. - Ташкент, 1963. - 270-274 с.
5. Тоиқулиев М.М. Тупроқда умумий гумус ва ҳаракатчан гумус моддалари миқдоридан унинг унумдорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланишга доир услубий кўрсатмалар / Меърий хўжжат. - Тошкент, 2006. - 46 б.
6. Tashkuziev M.M., Berdiev T.T., Ochilov S.K. System of agricultural technologies aimed at improving of soil fertility and productivity of crops // Proceedings of the Uzbek-Japan Symposium on Ecotechnologies. Innovation for sustainability-harmonizing science, technology and economic development with human and natural environment. - Japan, 2016. - P. 215-222.
7. Таиқулиев М.М., Бердиев Т.Т., Очиллов С.К. Агротехнология повышения плодородия подверженных засолению почв в условиях опустынивания и урожайности возделываемых культур // Аграрная наука – сельскому хозяйству XII-Международная научно-практическая конференция. Книга 2. - Барнаул, 2017. - С. 294-296.

УЎТ: 631.587(575.1)

### ЧЕКЛАНГАН СУВ ТАКСИМОТИ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕРЛАРИНИ БАҲОЛАШ

#### Аннотация

В статье освещены вопросы определения способности естественного производства почв, распространенных на землях фермерских хозяйств в условиях ограниченного распределения воды, в частности, влияния поливной воды на плодородие почв и ее учет в процессе определения боеспособности почв.

#### Abstract

The article reflects the issues of determining the productive capacity of the soil, common in the fields of farms and the effect of the degree of provision of irrigation water on the natural fertility and productivity of these soils.

Тупроқларнинг она жинсида ушбу элемент кескин камайган яъни 0,06-0,14% миқдордадир. Ўрганилган тупроқларда умумий калий миқдори юқори эмас. Уларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларида мос равишда калий миқдори 0,843-1,156% ва 0,783-1,047% ни ташкил этади. Тупроқларнинг ўрта қисми ва она жинсида мос равишда 0,722-0,883 ва 0,427-0,662% ни ташкил этади.

**Кириниш.** Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг асосий товар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга айланган фермер хўжаликлари ер майдонларининг иктисодий самарадорлигини ошириш, улар ҳудудида тарқалган тупроқлар унумдорлигини яхшилаш, мавжуд моддий техника базасидан, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишга, энг аввало, сугориш сувида мумкин қадар яхшироқ фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ.

**Мавзунинг долзарблиги.** Қайд қилинганлар ичида охириги омил шу билан ҳам алоҳида аҳамиятга эгаки, мамлакат қишлоқ хўжалигини кейинги йиллари чекланган сув тақсимотида ўтганлиги ҳам айнан ушбу ресурслардан мумкин қадар тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Иккинчи томондан, сугориладиган тупроқларга ўсимликлар ўсиши ва юқори ҳосил бериши учун етарли миқдорларда сув бермаслик улар унумдорлигини пасайишига ва сугориладиган ерларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини чеклашига замин яратади. Шу сабабли ҳам фермер хўжаликлари ерларининг норматив қийматини аниқлашда ушбу омилни, яъни фермер хўжаликлари далаларини сугориш суви билан ҳақиқий таъминланганлик даражасини ҳисобга олиш омиллари ерларини баҳолаш тизимида муҳим аҳамиятга эгадир.

#### Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.

Расмий маълумотларга қараганда, республика бўйича фермер хўжаликларининг умумий сони 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига, 153385 тани, шу жумладан пахта-галлачиликда 50651 тани, галлачиликда 7914 тани, чорваччиликда 8915 тани, боғдорчиликда 48159 та, узумчиликда 13441 та, сабзавотчилик-полвизчиликда 6772 та, тутчиликда 3372 та ва бошқа йўналишларда 14162 тани ташкил этади [9; - 14 б.]. Улар тасарруфидаги ер майдонларининг умумий майдони 6839,4 минг гектарни, шу жумладан экин ерлари 3400,9 минг гектарни, кўп йиллик дарахтзорлар 290,2 минг гектарни, бўз ерлар 32,7 минг гектарни, яйлов ва пичанзорлар 2522,9 минг гектарни ва бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 952,7 минг гектарни ташкил этади [9; - 15 б.]. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу майдонларнинг аксарият қисми (68,9 фоизи) сугориладиган ерларни ташкил этади. Улардан фойдаланиш даражаси эса айнан ушбу ҳудудларда тарқалган тупроқларнинг унумдорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Тупроқшунослик назариясидан маълумки, тупроқнинг энг муҳим хусусияти унинг унумдорлигидир [5; - 26 б.]. Ҳар бир тупроқнинг унумдорлиги бевосита уни вужудга келиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, тупроқни ривожланиш жараёнида унинг унумдорлиги доимий равишда ўзгариб туради. Унинг ўзгариши айниқса инсон фаолияти таъсирида тезроқ кечади.

Республикамиз тупроқ-иклимий, геоморфологик ва гидрогеологик шароитларининг ўзига хослиги, хусусан, тупроқлар унумдорлигини кўп жиҳатдан инсон фаолияти билан бир қаторда табиий омиллар билан ҳам боғлиқлиги ўзининг минтақавий хусусиятлари билан ажралиб тура-